



ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН:

ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНИБ, ҲАМКОРЛИК ЮКСАК НАТИЖАЛАР БЕРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 19-20 май кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Туркманбоши шаҳри халқаро аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига Ўзбекистон ва Туркменистон давлат байроқлари кўтарилди, faxрий қоровул саф тортиди.

Ўзбек ва туркман халқларининг тарихи, маданияти ва қадриятлари муштарак. Аждодларимизнинг илмий ва адабий мероси халқларимизнинг умумий мулки саналади. Туркменистонда Алишер Навоий, Ўзбекистонда Махтумқули асарлари кириб бормаган хонадон йўқ, деса бўлади.

Мустақиллик йилларида анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари янги замон руҳида ривожланмоқда.

Ўтган йиллар давомида эришилган натижалар бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзаро алоқалар 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги шартнома руҳида тараққий этмоқда.

Туркманбоши шаҳридаги учрашув ва музокаралар Президентимизнинг жорий йил 6-7 март кунлари Туркменистонга давлат ташрифи доирасида ўтган олий даражадаги мулоқотнинг мантикий давоми бўлиб, уларда мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка доир долзарб масалалар муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Ташрифнинг биринчи кунини Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Аваза» миллий сайёҳлик зонасининг «Камалак» болалар кўнгилочар боғида дам олаётган ўзбекистонлик болалар билан учрашди.

Болалар билан дам олиш таассуротлари, туркменистонлик тенгдошлари билан дўстлик муносабатлари тўғрисида суҳбатлашди, соғломлаштириш марказида яратилган шароитлар билан қизиқди. Болаларга совғалар берди.

Ташрифнинг иккинчи кунини Президентларнинг яккама-якка суҳбати билан бошланди. «Аваза» конгресслар марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, Ўзбекистон раҳбарининг мазкур ташрифи ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик асосидаги шерикликка янги суръат бахш этиши ва уни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилиши таъкидланди.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболга оид масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Давлат раҳбарлари жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга давлат ташрифи доирасида эришилган келишувларнинг амалий натижалари кўламини янада кенгайтириш, ўзаро алоқаларни янги мазмун билан бойитиш учун барча имкониятлар етарли эканини қайд этдилар.

«Аваза» худудидида учрашаётганимиз бежиз эмас, деди давлатимиз раҳбари. Ўзбекистон Туркменистон портлари орқали Каспий денгизига, халқаро транспорт йўлакларига чиқишни мақсад қилган.

Икки давлатнинг тинчликпарвар ташқи сиёсати, халқаро муаммолар борасида бир-бирини қўллаб-қувватлаши, турли таҳдидларнинг олдини олиш масалаларига ёндашувлари ўхшашлиги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам терроризм, диний экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши ҳамкорликда курашиш тарафдори.

Мамлакатларимиз минтақавий интеграцияни ривожлантириш Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлиқни янада мустаҳкамлаш, изчил тараққиётни таъминлашнинг муҳим омили, деб ҳисоблайди.

Давлатларимиз халқаро майдонда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қўқариш халқаро жамғармаси каби халқаро тузилмалар доирасида изчил ҳамкорлик қилинмоқда.

Мамлакатларимизнинг қўшни Афғонистонда фақат сиёсий йўл билан барқарорлик ўрнатилиши борасидаги фикри ҳам муштарак эканлиги яна бир бор тасдиқланди. Терроризм, экстремизм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, минтақавий хавфсизлиқни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов музокарани Ўзбекистон ва Туркменистон расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасида иқтисодиётнинг турли соҳалари бўйича ҳамкорлиқни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди. Ёқилги-

энергетика, қишлоқ хўжалиги, кимё ва металлургия саноати, сув хўжалиги иншоотларидан фойдаланиш, сайёҳлик каби йўналишлардаги ҳамкорлик устувор аҳамият касб этиши таъкидланди.

Икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари раҳбарларига жорий йил март ойида Президентларнинг музокараларида эришилган келишувларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, ишбилармонларнинг ўзаро алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш вазифалари топширилди.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида сўз кетганда, Ўзбекистонда ҳам, Туркменистонда ҳам энергия манбаларининг йирик конлари мавжуд эканини, нефть-газ саноати жадал ривожланиб, хорижий сармоядорлар билан шериклик алоқалари кўлами кенгайиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Мамлакатларимиз бу соҳада икки томонлама ҳамкорлик баробарида кўп томонлама лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам углеводород ресурсларига бой. Уларни экспорт қилиш ўзаро мувофиқ ҳаракат қилишни талаб этади. Ана шундай яқин ҳамкорлик мамлакатларимиз учун энергетика йўналишларини диверсификация қилиш ва жаҳон бозорларига чиқиш борасида кенг имкониятлар яратмоқда. 2009 йилда ишга тушган Туркменистон — Ўзбекистон — Қозғоғистон — Хитой газ қувури бунинг ёрқин мисолидир.

Жорий йилнинг март ойида фойдаланишга топширилган Туркманбод — Фараб автомобиль ва темир йўл кўприklarининг товар ўтказиш қўрсаткичи 2,5 баробар ортганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Дунёда энг сердаромад соҳалардан бири бўлган сайёҳлик бўйича ҳам томонлар ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйган. Бу борадаги ҳамкорлик икки томонлама сайёҳ алмашувини ривожлантириш, бошқа давлатлардан сайёҳ жалб этишни оширишга хизмат қилади. Мамлакатимизнинг Бухоро, Хива, Самарқанд, Тошкент, Шаҳрисабз каби шаҳарларидан сайёҳларнинг қадими узмайди. Туркменистоннинг «Аваза» миллий сайёҳлик зонаси ва қадимий жойларига уюштирилаётган саёхатлар бу борадаги алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга амалий ташрифи давомида қатор муҳим келишувларга эришилди. Музокаралар якунида икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети билан Сейитназар Сейди номидаги Туркменистон давлат педагогика институти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида, Тошкент ва Ашхобод шаҳарлари ўртасида биродарлик муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги битимлар, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ва Туркменистон давлат спорт қўмитаси ўртасида ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинларида Ўзбекистон спортчиларининг иштирок этишини ташкил қилиш ва ҳамкорлик тўғрисидаги баённома, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Туркманнебит» давлат концерни ўртасида ўзаро англашув меморандуми, «Ўзбекэнерго» АЖ билан Туркменистон Энергетика вазирлиги ўртасида электроэнергия транзити соҳасида ҳамкорлик тўғрисида, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан «Туркмен-ҳова-ёллари» хизмати ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов музокаралар ўзаро ҳурмат, ишонч ва ишчанлик руҳида ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишини таъкидладилар.

Туркменистон Конституцияси қабул қилинган кун ва буюқ шоир Махтумқули таваллуди кунини муносабати билан туркман халқини табриклайман. Шоир таваллуди Ўзбекистонда ҳам кенг нишонланди, унинг номидаги кўча ва ёдгорлик очилди. Биз шу кўчада Ашхобод боғини ташкил қиламиз, бу икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг рамзи бўлиб қолади, деди Шавкат Мирзиёев.

Гурбангули Бердимухамедов давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини барча соҳаларда изчил ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади, Ашхободнинг марказий кўчаларидан бирига Алишер Навоий номи берилишини маълум қилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга амалий ташрифи нихосига етди. Ташриф якунлари мамлакатларимизнинг вақт синоидан ўтган ва изчил ривожланиб бораётган ҳамкорлигига янги суръат бахш этди.

**Абу Бакир ҲОЗОВ,
ЎзА махсус мухбири.**

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 май кунини Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида бўлиб ўтган Араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммитида иштирок этди.

Саммитда Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари ва АҚШ Президенти, БМТ, Араб давлатлари лигаси, Форс кўрфазини араб давлатлари ҳамкорлиги кенгаши бош қотиблари қатнашди.

Форумни Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд очди.

Мазкур форум экстремизм ва терроризмга қарши курашиш, бағрикенглик ғояларини илгари суриш, хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланди.

Бу борада мамлакатимизда мустақиллик йилларида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Биринчи Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган ва бугун изчил давом эттирилаётган тинчликпарвар сиёсат бу эзгу интилишларга таянч бўлмоқда.

Марказий Осиёнинг ядро қуролдан холи худудга айлантирилиши тинчлик ва хавфсизлиқни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йилги Истанбул саммитида БМТ ҳузурида терроризмга қарши курашиш бўйича халқаро марказ ташкил этиш ғоясини илгари сурди. 2011 йил 28 сентябрда БМТ Хавфсизлик кенгаши доирасида терроризмга қарши кураш қўмитасининг ташкил этилгани бу ғоянинг амалдаги натижаси бўлди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлиқни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий базасини, халқаро ҳамкорлиқнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари ўрин олган.

Ўзбекистон айна пайтда Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашига раислик қилмоқда. 2016 йил кузида Тошкентда Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси бўлиб ўтди. Унда Президентимиз

Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаб, маърифат ва таълим башарият тараққиёти ва фаровонлигининг асосий омилларидан бири эканини алоҳида қайд этди.

Саудия Арабистони Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган. Ўтган 25 йил давомида мамлакатларимиз турли соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Хавфсизлик, таълим ва қурилиш соҳаларида сезиларли натижаларга эришилган. 2010 йил 27 ноябрда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги ҳукумати ўртасида терроризм, уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига, шунингдек, бошқа жиноятларга қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган.

Саудия тараққиёт жамғармаси Ўзбекистондаги бир қанча лойиҳаларни молиялаштириб келмоқда. 2011 йил қишлоқ жойларда ичимлик суви таъминотини яхшилаш, олис қишлоқлардаги 632 мактабда муқобил энергия манбаларини жорий этиш, 2015 йил қишлоқ жойларда намунавий уй-жой қуриш лойиҳаларига маблағлар ажратган. Суғориш тизимлари ва йўлларни реконструкция қилишга қаратилган 5 лойиҳага 80 миллион доллар жалб қилинган.

Бундай ҳамкорлик изчил давом этмоқда.

Саммит доирасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев бир қатор давлат раҳбарлари билан мулоқотда бўлди.

Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп давлатимиз раҳбари билан учрашувда Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар жараёнини юқори баҳолади.

Президент Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қозғоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Навоз Шариф, Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мевлуд Чоушўғли билан учрашиб, давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлиқни янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистонига ташрифи давомида Ислом тараққиёт банки Президенти Бандар Ҳажар билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон билан ИТБ ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани, томонлар ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида кенг кўламли ҳамкорлик қилаётгани таъкидланди.

Ислом тараққиёт банки мамлакатимизда соғлиқни сақлаш, таълим, ирригация ва мелиорация, энергетика, йўл инфратузилмаси, коммунал соҳа учун 1,4 миллиард доллардан ортиқ маблағ ажратган.

Айни вақтда Ўзбекистон — Ислом тараққиёт банки ҳамкорлик стратегияси доирасида 2017-2019 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган 1,4 миллиард долларлик 21 лойиҳа устида иш олиб боришмоқда.

Ҳамкорлиқни янада тараққий эттириш, уни янги босқичга кўтариш учун катта салоҳият мавжудлиги қайд этилди. Янги лойиҳалар, тузиш, шериклик кўламини кенгайтириш мақсадида турли даражадаги делегациялар алмашуви бўйича аниқ ҳаракат дастурини ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи ҳузурида инсоният тараққиётига беназир ҳисса қўшган буюқ аждодларимизнинг бой диний-маънавий меросини ўрганишга ихтисослашган халқаро илмий тадқиқотлар марказини ташкил этишда ИТБнинг иштироки юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Ислом тараққиёт банки ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга доир бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Ислом тараққиёт банки ўртасида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини тузиш тўғрисида Англашув меморандуми имзоланди.

**Абу Бакир ҲОЗОВ,
ЎзА махсус мухбири.**

Сайловолди дастури ижроси

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИДА

Битирувчилар учун иш ўринлари аниқ бўлди



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИМИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР
БИЛАН ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни, жамиятда фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш, барча фуқароларга миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Бугунги кунда республикаимизда фаол «халқ дипломатияси» асосида чет элдаги ватандошларимиз билан мунтазам ва ўзаро фойдали муносабатларни йўлга қўйиш, хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ва маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлаш орқали ўз фаолиятини Ўзбекистонда яшаб келаётган барча миллат ва этник диаспораларнинг тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари, миллий анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш тамойилларига асосан олиб бораётган Республика байналмилал маданият маркази, 138 та миллий маданий марказлар, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, шунингдек, 34 та дўстлик жамиятлари муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда.

Фуқаролар тотувлиги барқарорлигини, турли миллатлар

вакиллари ўртасидаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга, ватандошларимиз онгида кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришга, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга, мамлакатимизнинг жамият турли соҳаларидаги ютуқлари мазмун ва моҳияти тарғиботига, шунингдек, ушбу йўналишда бажарилаётган ишларни ва амалга оширилаётган чора-тадбирларни самарали мувофиқлаштиришга йўналтирилган давлат сиёсатини босқич-ма-босқич рўйбга чиқариш мақсадида:

1. Республика байналмилал маданият маркази (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) ва дўстлик жамиятларининг Марказ негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасини (бундан буён матнда Кўмита деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

2. Кўйидагилар Кўмитанинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жамиятда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, дўстлик ва кўп миллатли ягона оила туйғуси муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

дўстона халқаро алоқаларни йўлга қўйиш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий мамлакатларнинг фуқаролик ҳамжамиятлари, шу жумладан чет элларда истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан дўстликни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни самарали мувофиқлаштириш;

давлат органларининг республика ҳудудида жойлашган миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини таъминлаш;

мамлакатимизда яшовчи турли миллат ва элатлар вакиллари, урф-одатлари ва расм-русумларини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;

хорижий мамлакатларда давлатимизнинг тинчликсевар сиёсати, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш борасида Ўзбекистоннинг мақсад ва вазифаларини, шунингдек, бугунги кунда мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида эришилаётган муваффақиятларни кенг тарғиб қилиш;

миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш ва уйғунлаштиришга бағишланган илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилишда кўмаклашиш ва бевосита қатнашиш.

3. Кўмита ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашининг таъсисчилари томонидан ушбу Кенгашни

туғатиш ҳақидаги қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Белгилансинки:

Кўмита миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга йўналтирилган ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминловчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

Кўмита барча ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва тузилган шартномалар, шу жумладан, халқаро мажбуриятлар ва шартномалар бўйича Марказнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Кўмитага Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимдан озод этилган раис бошчилик қилади;

Кўмита раисининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Кўмита раиси мақоми, маиший таъминоти, тиббий ва транспорт хизматидан фойдаланиш борасидаги шарт-шароитларига кўра — вазирнинг биринчи ўринбосарига, унинг ўринбосарлари — вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

жойларда миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари борасидаги ишларни мувофиқлаштириш: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари зиммасига юкланади.

5. Белгилаб қўйилсинки, Кўмита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан, ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси таркибига кирadi.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг грантлари ва ҳомийлик маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида таққилланмаган бошқа манбалар Кўмита фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хорижий мамлакатларда фаолият олиб бораётган турдош ташкилотлар, ўзбек маданий марказлари ва жамиятлари ҳақида маълумотлар базасини шакллантириш ва юритишда, шунингдек, хорижий мамлакатларда фаолият олиб бораётган тегишли ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишда ва ривожлантиришда Кўмитага амалий ёрдам кўрсатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3358-сон Фармони иловасининг IV бўлими қуйидаги мазмундаги 4-банд билан тўлдирилсин:

«4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси».

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 26 майдаги «Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1785-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Т.Комилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2017 йил 19 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар
билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига
ШАРҲ

Жамиятда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини юксалтириш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни, фуқаролар тотувлигини таъминлаш, шунингдек, хорижий мамлакатлар билан дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаш Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Булар Конституциямизда мустаҳкамланган фуқароларнинг ирқи, миллати, тили, эътиқоди, шахси ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги тамойиллари ҳамда турли миллат ва элатлар вакиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, уларни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга асосланади.

Жамиятда дўстлик ва аҳиллик, тинчлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлаш ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий соҳаларда ислохотларни изчил амалга ошириш, халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузини янада оширишнинг муҳим омилли ва зарур шарти ҳисобланади.

Бугун Ўзбекистонда 130 дан ортқ миллат ва элат вакиллари бир оила бўлиб яшамокда. Улар барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилиб, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуришга ва кучли фуқаролик

жамиятини шакллантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Мустақиллик йилларида миллий маданий марказларнинг 120 дан ортқ фаоли давлат мукофотларида сазовор бўлди, орден ва медаллар билан тақдирланди, жумладан, 14 нафарига «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвони берилди.

Республика байналмилал маданият маркази, 138 миллий маданий марказ, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, шунингдек, 34 дўстлик жамияти фаолияти Ўзбекистондаги барча миллатлар ва элатларнинг тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари, анъана ҳамда урф-одатларини асраш ва ҳар томонлама ривожлантириш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, жамият ва давлатни барқарор ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Улар «халқ дипломатияси» механизмида фаол фойдаланган ҳолда тинч ва фаровон ҳаётни асраш, хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш, чет элдаги ҳамюртлар билан яқин ва ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз таълим муассасаларида ўқиб 7 тилда олиб борилмоқда. Теле-радио кўрсатув ва эшиттиришлар 12 тилда эфирга узатилмоқда,

газета ва журналлар 10 дан ортқ тилда чоп этилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши, биз яшаётган бугунги даврнинг ўзи давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакат атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яқин қўшничилик муҳитини яратишга қаратилган пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий сиёсатни юритиш, шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшлар онгида инсонпарварлик қадриятларини, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, бу борада амалга оширилаётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони жамиятда барқарорлик, тинчлик ва тотувлиқни таъминлаш, фуқаролар онгида катта, кўп миллатли ягона оилага мансублик туйғусини мустаҳкамлаш, миллий маданиятни мустаҳкамлаш ва дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш,

хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга қаратилган.

Хусусан, Республика байналмилал маданият маркази ва Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши негизини мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакат атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яқин қўшничилик муҳитини яратишга қаратилган пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий сиёсатни юритиш, шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшлар онгида инсонпарварлик қадриятларини, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, бу борада амалга оширилаётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда.

Мазкур Кўмита зиммасига жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, тинчликсевар сиёсатни, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида эришилган ютуқ ва муваффақиятларни кенг тарғиб қилиш, халқаро ҳамжамият, шу жумладан, чет элдаги ҳамюртларимиз диаспораси билан дўстликни мустаҳкамлашга доир давлат сиёсатини изчил амалга ошириш вазифаси юкланади.

Кўмита миллатлараро тотувлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик тамойилларини қарор топтириш, миллатлараро муносабатлар маданиятини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, мувофиқлаштириш ва рағбатлантиришга вазифаси юкланган.

Фармонда хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатларни, чет элдаги ҳамюртларимиз ва турдош ташкилотлар билан алоқаларни

амалий ва методик ёрдам кўрсатади, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлайди, миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъи назар, фуқаролар онгида кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, «Ўзбекистон — умумий уйимиз» тамойилини амалга ошириш чораларини кўради.

Ёшларни бағрикенглик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, тарих, маданият, миллий анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилади. Бу миллатчилик ва экстремизм ақидаларига қарши мафкуравий иммунитетга эга, мустақиллик фояларига содиқ, Ўзбекистон миллий манфаатларини ҳимоя қиладиган ва илгари сурайдиган маънавий баркамол авлодни шакллантириш имконини беради.

Кўмитага давлат органларида миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари, урф-одатлари ва маъросимларини асраш ва ривожлантиришга кўмаклашиш вазифаси юкланган.

Фармонда хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатларни, чет элдаги ҳамюртларимиз ва турдош ташкилотлар билан алоқаларни

янада мустаҳкамлаш вазифалари белгиланган. Кўмита мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий мамлакатларнинг ташкилотлари ва дипломатик ваколатхоналари, хорижий давлатларда фаолият кўрсатаётган турдош ташкилотлар билан самимий ва ўзаро ҳурматга асосланган алоқалар ўрнатиш ҳамда изчил ривожлантиришга қаратилган ишларни тизимли амалга оширади.

Бу борадаги ишлар халқаро ҳамжамиятда республиканинг нуфузи ва мақомини янада юксалтириш, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш борасида эришилган ютуқларни кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган. Бу борада ўзбек халқининг бой тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари ва анъаналари, шу заминда туғилиб ўсган буюк олим ва мутафаккирлар мероси, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини кенг намойиш этиш бўйича тадбирлар ўтказилади.

Кўмита ўзбек халқининг мамлакатимиз ташқарисидagi тарихий ва маданий мерос объектларини асраб-авайлашни таъминлаш мақсадида давлат ва нодавлат ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Хорижий мамлакатлар билан миллатлараро муносабатлар

ва дўстона алоқаларни янада ривожлантириш ва уйғунлаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ва олиб боришда бевосита иштирок этишга кўмаклашиш Кўмитанинг устувор вазифалари сифатида белгиланган.

Фармонга мувофиқ ҳудудларда миллатлараро муносабатларни ривожлантириш ва хорижий мамлакатлар билан дўстона алоқаларни йўлга қўйиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари зиммасига юклатилади.

Муҳтасар айтганда, Фармон қоидаларининг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатда миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича яхлит тизимни ривожлантириш, миллий маданий марказлар учун янада қўлай ва кенг имкониятлар яратиш, уларнинг бунёдкорлик ташаббуслари ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқаларини янада ривожлантириш, «халқ дипломатияси» воситасида чет элдаги ватандошлар билан муносабатларни кенгайтиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда мамлакатимиз таълим муассасаларида ўқиб олиб боришмоқда. Теле-радио кўрсатув ва эшиттиришлар 12 тилда эфирга узатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2017 йилнинг 22 май кўни
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисини Олий Мажлис Сенати Раиси Н.Йўлдошев олиб борди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисини шу йилнинг 27 май кўни Тошкент шаҳрида қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси кўн тартибига мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини тубдан оширишга, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йўлида амалга оширишга оид Давлат дастури ижросига қаратилган Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари киритилмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида (80, 93, 108 ва 109-моддаларига)»-ги, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»-ги, «Суд ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида»-ги қонунлар шулар жумласидандир.

Ялпи мажлисда сенаторлар бир қатор халқаро шартномалар ва конвенцияларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларни, жумладан, «Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасидаги стратегик шериклик тўғрисидаги Шартнома (Ашхобод, 2017 йил 6 март) ратификация қилиш ҳақида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам қўриб чиқадилар.

Шу билан бирга, ялпи мажлисининг кўн тартибига Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ва Хива туманининг чегараларини ўзгариштириш, Хива шаҳрини вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги, Шахрисабз шаҳрини вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги, шунингдек, Жиззах вилоятининг Зомин ва Зарбдор туманлари чегараларини ўзгариштириш тўғрисидаги масала ҳам киритилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилган ишлар, шунингдек, бу соҳадаги истиқболлар тўғрисидаги ҳисоботини ҳам тинглайдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниши режалаштирилмоқда.

Ўзининг ялпи мажлисга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш юзасидан Олий Мажлис Сенати кўмиталари ва Девони фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Кенгаш томонидан ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

ЎзХДП ҳаётидан ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

ва унинг ижтимоий аҳамияти

Жиззах вилоят кенгаши тарғиботчилар гуруҳи 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ижтимоий аҳамиятини тарғиб қилиш мақсадида давра суҳбати ўтказди.

Унда Жиззах давлат педагогика институтининг ўқитувчилари, вилоят партия кенгаши ходимлари, депутатлар, тарғиботчилар гуруҳи аъзолари иштирок этди.

Тадбирда Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ижтимоий аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Аҳоли ва электротар вакилларининг ушбу муҳим ҳужжат юзасидан хабардорлигини оширишда партия ташкилотларининг роли катта экани таъкидланди.

Ҳаракатлар стратегиясининг ҳар бир йўналиши бўйича тарғибот ишларини кучайтириш вазифалари белгиланганлиги олинди.

Хусан АБДУНИЁЗОВ

МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга амалий ташрифи давомида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган истиқболли келишувларга эришилди.

Икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасида нефть-газ, энергетика, фан-таълим, экология, транспорт-логистика, туризм ва спорт соҳаларидаги алоқаларни изчил ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Танзила НОРБОЕВА, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси:

— Бўлиб ўтган музокарада Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларида доир кенг қўламли масалалар муҳокама қилинди. Мулоқотлар якунида имзоланган ҳужжатлар ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга, халқларимиз манфаатига хизмат қилади.

Мамлакатларимиз сайёҳлик соҳасида улкан имкониятларга эга экани таъкидланди. Ўзбекистонга келган сайёҳ Туркменистон, Туркменистонга борган сайёҳ Ўзбекистон орқали кетишини йўлга қўйиш икки томон учун ҳам манфаатлидир.

Икки давлат Президентларининг май ойи бошида бўлган телефон орқали мулоқотида Туркменистон Президентини давлатимиз раҳбарига Каспий денгизи соҳилидаги болалар соғломлаштириш марказлари ўзбекистонлик болаларни қабул қилишга тайёр эканини билдирган эди. Ана шу тақлифга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва

Хоразм вилоятларидан 100 нафар бола «Даянч» болалар соғломлаштириш марказида дам олмақда.

«Аваза»да ёшлар учун саёҳатлар, музика ва спорт тадбирлари, енгил атлетика ва сузиш бўйича мусобақалар, ижодий танловлар, ёш билимдонлар ўртасида викторина ва беллашувлар, бадий кечалар ташкил этилмоқда. Ўзбекистондан келган болалар туркменистонлик тенгдошлари билан дўстлашмоқда. Бу ҳам халқларимиз ўртасидаги қардошлиқ ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Рустам ҚУРБОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси раиси:

— Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг Туркманбоши шаҳридаги учрашуви доирасида мамлакатларимиз ўртасида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, бу борадаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш, ўзаро тажриба алмашиш бўйича муҳим келишувларга эришилди.

Жорий йил сентябрь ойида Ашхободда бўладиган ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинларида Ўзбекистон спортчиларининг фаол иштирокини таъминлаш ва ҳамкорлик тўғрисида баённома имзоланди.

Давлатимиз раҳбарининг Туркменистонга ташрифи давомида мазкур спорт ўйинларига тайёргарлик ишлари билан яқиндан танишиш имкони яратилди. Замонавий спорт иншоотлари иштирокчиларнинг муносиб қатнашишида муҳим омил бўлади. Мусобақа низомига кўра,

спорт ўйинлари 21 спорт тури бўйича ўтказилади.

Мамлакатимизда бу мусобақага тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Ишонамизки, спортчиларимиз мазкур мусобақада муносиб иштирок этади ва давлатимиз байроғини баланд кўтаради.

Гурбанназар ОРАЗҒУЛИЕВ, Туркменистоннинг

«Диёр» журнали бош муҳаррири:

— Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг 6-7 март кунлари Туркменистонга давлат ташрифи давомида эришилган келишувлар Ўзбекистон қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишини намоён этди. Шавкат Мирзиёевнинг Туркманбоши шаҳрига ташрифи Ўзбекистон ташқи сиёсатда яхши қўшничилик муносабатларига алоҳида аҳамият қаратаётганини яна бир бор тасдиқлади.

Ўзбек ва туркман халқларининг тарихи ва маданияти муштарак, урф-одат ва анъаналари ўхшаш. Икки мамлакат маданият ва санъат намоёндалари, спортчилари Ўзбекистон ва Туркменистонда ўтказилган концертлар, фестивал ва кўргазмалар, спорт мусобақаларида фаол иштирок этмоқда. 2016 йил сентябрь ойида Туркменистонда ўзбек киноси кунлари, ноябрда Ўзбекистонда Туркменистон маданияти кунлари ўтказилди.

Туркманободда замонамизнинг буюк сиёсатчиси, улўф давлат арбоби Ислон Каримов ҳайкалининг ўрнатилгани ва шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирига номи берилгани халқларимиз дўстлигига ёрқин мисолдир. Кўни кеча

Тошкентда буюк шоир Махтумқули ҳайкали ва шоир номидаги кўча очилгани тўғрисидаги хушхабар Туркменистонда катта шодлик билан қутиб олинди.

Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга амалий ташрифи ва унинг доирасида имзоланган ҳужжатлар, бўлиб ўтган маданий тадбирлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик яхши қўшничилик ва қардошлиқ тамойиллари асосида изчил ривожланиб бораётганини яққол намоён этди.

Раҳмонбек УСМОНОВ, Тошкент шаҳар ҳокими:

— Мамлакатларимиз ўртасида барча соҳалар қатори ҳудудларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳам ривожланиб, юксак самаралар бермоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга амалий ташрифи давомида Тошкент ва Ашхобод шаҳарлари ўртасида биродарлик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги битим имзоланди. Бу Тошкент ва Ашхобод шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиради.

Савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтиришга икки мамлакат ҳам алоҳида эътибор билан қарамоқда. Бу ўзаро савдо-сотик фаоллашаётгани мисолида яққол намоён бўлмоқда.

Туркменистонда олиб борилаётган бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишлари билан танишдик. Бу борада ўзаро тажриба алмашидик. Бу икки томон учун ҳам фойдалидир.

ЎЗА мухбири А.ЎРОЗОВ ёзиб олди.

Сайловолди дастури ижроси

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИДА

битирувчилар учун иш ўринлари аниқ бўлди

Янгийўл технология ва иқтисодий қасб-хунара коллежи битирувчиси Зарина Дўсимова тикувчилик йўналиши бўйича иш бошлаш мақсадида кредит олиш учун «Агробанк» туман филиалига мурожаат қилган экан. Унга Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Тошкент вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган ҳудудий семинарда банк ходимлари томонидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди.

Бугун жуда хурсандман, — дейди у. — Тикувчиликка жуда қизиқман. Миллий матоларимиздан замонавий кўйлақлар тикишни, халқаро миқёсдаги танловларда қатнашиб, ғолиб бўлишни орзу қиламан. Ўйлайманки, бу йўлда биринчи қадамни ташладим ва албатта ниятимга етаман.

Ҳудудий семинар доирасида ўтказилган меҳнат ярмаркасида тақлиф этилаётган бўш иш ўринлари ва ишчиларга яратиб берилган қўлайликлар билан танишдик. Коллежлардан келган ўқувчилар корхона ва ташкилотлар ходимлари билан қизғин суҳбатлашаётганининг устидан чиқдик. Ярмарка иштирокчиларининг кўпчилиги имтиёзли кредит олиб, ўзлари ҳам янги иш ўринлари яратишни ният қилишибди.

«FORTUNA ELEGANT» МЧЖ раҳбари Абдуллоҳ Примкулов Янгийўл хизмат кўрсатиш қасб-хунара коллежи битирувчиси Мафтуна Алихонова билан меҳнат шартномаси имзолаётган экан.

Бугунги ярмаркада 80 бўш иш ўрни билан қатнашяпмиз, — дейди корхона раҳбари. — Корхонамизга айнан коллеж битирувчиларини ишга олмақчиман. Улар ёш, кучли, ғайратга тўла. Бундай ходимлар иш самарадорлигини оширади. Биз асосан тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Маҳсулотларимизнинг асосий қисми экспорт қилинади. Ярмарка давомида қатор банкларнинг масъул ходимлари коллеж битирувчиларига имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар берилишини айтишди. Бунга эътибор, очиги, жуда хурсанд бўлдим. Ёшларни чин дилдан таъриқладим. Ўзим ҳам ишимни кредитга таяниб бошлаганман. Худода шукр, ҳозиргача 200 дан ортиқ



Ёшлар билан суҳбатлашиб билдикки, улар ташаббускор, илмли, ҳаракатчан, иш ўринлари яратишни исташмоқда.

иш ўрни яратдик. Ярмарка иштирокчиларига корхонамиздаги шарт-шароитлар ҳақида батафсил ахборот беряпмиз.

Янгийўл хизмат кўрсатиш қасб-хунара коллежи битирувчиси Хатира Жумабоева иш ўрни ҳақидаги маълумотларни бирма-бир кўздан кечириб, ўқувчиларига маслаҳат бераётган экан.

23 нафар битирувчимиз билан ярмаркага келдик, — дейди у. — Ўқувчиларим билан тақлиф этилаётган барча бўш иш ўринлари билан танишиб чиқдик. «FORTUNA ELEGANT» МЧЖ раҳбари билан 10 нафар ўқувчим меҳнат шартномаси имзолади. Иш ўрганиб, ёшларнинг маҳорати ортган сари маош миқдори ҳам ортиб боради экан. Мухими, сервис хизматлари, ҳар ойда қўшимча муқофотлар ва маданий дам олиш учун шароитлар яратиб берилар экан. Ташкилот раҳбари бизни корхонага иш жараёни билан танишишга тақлиф этди.

Очиги, бугунги ярмаркада

ишли бўламан, деб ўйламаган-дими, — дейди Мафтуна. — Ўз мутахассислигим бўйича ишга жойлашадиган бўлдим. Корхонада ишчиларга яратилган имкониятлар, имтиёзлар, ойлик маош менга маъқул келди.

«BOOMCOLLECTION» МЧЖга тегишли ахборот стендининг олди гавжум. Ийгишларнинг аксарияти қизлар. Кейин билсак, бу ерда тикиш-бичиш, қадоклаш бўйича 30 та бўш иш ўрни тақлиф этилаётган экан.

Банкдан олинган кредит ҳисобига ўз ишини бошлаган коллеж битирувчиларининг сони кундан-кунга ортиб бормоқда, — дейди «Агробанк» туман филиали мутахассиси Шахло Қахрамова. — Кўпчилик ёшлар қорва-чилик, асаларчиликни йўлга қўйиш ҳамда тикувчилик цехи очиш мақсадида мурожаат қилиш-япти.

Бугун технология ва иқтисодий қасб-хунара коллежининг икки нафар битирувчисига кредит

сертификати топширдик. Меҳнат ярмаркаси якунлангач, «Партиянинг Сайловолди дастури ижроси: амалий ишлар ва муаммолар» мавзусида семинар ўтказилди.

Марказий банкнинг вилоят бошқармаси билан биргаликда коллеж битирувчиларининг 10 нафарига имтиёзли кредит сертификати топширилди, — дейди ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Меҳрождин Дархонов. — Ёшлар билан суҳбатлашиб билдикки, улар ташаббускор, илмли, ҳаракатчан, иш ўринлари яратишни исташмоқда. Демак, мустақил иш фаолиятини йўлга қўяётганлар, оилавий тадбиркорлик қилаётганларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Бугун ана шундай фаол корхона ва ташкилотларнинг 40 таси 1000 дан ортиқ бўш иш ўрни билан қатнашди.

Семинар давомида банклар томонидан тақдим этилаётган кредит турлари ҳамда тадбиркорликни йўлга қўйиш тартиб-қоидалари ҳақида маълумот ва маслаҳатлар берилди.

Шу кўни кўчма жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан фуқароларнинг мурожаатлари қабул қилинди.

Махлиё АЛИКУЛОВА

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Одам савдоси дунё халқларини жиддий ташвишга солаётган кескин ижтимоий-сиёсий муаммолардан биридир. Зеро, у ҳудуд ва чегара билмайди. Ҳар йили дунё бўйича миллионлаб кишилар одам савдоси жинояти қурбонига айланади. Ачинарлиси, жабранганларнинг кўп қисмини аёллар ва болалар ташкил этади.

Одам савдоси — оғир жиноят

Денов туманида Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши томонидан ўтказилган давра суҳбатиде шу фикрлар қайд этилди. Ўзбекистон ХДП вилоят, туман кенгаши ходимлари, тарғиботчилар гуруҳи аъзолари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими масъуллари, бандликка қўмаклашиш маркази мутахассислари, туман Кенгаши депутатлари, коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этган ушбу тадбирда одам савдосига қарши курашиш масалалари ҳақида сўз юритилди. Бу муаммоларнинг олдини олишда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, балки кенг жамоатчиликнинг иштироки муҳимлиги таъкидланди.

Одам савдоси нафақат бир киши, бир оила, балки жамоият ҳаётига катта ижтимоий ҳавф туғдирадиган жиноятдир, — дейди Денов туман «Умари Одил» жомеъ масжиди имом хатibi Оллаёр Омонов. — Унга қарши самарали кураш олиб боришда барчамиз бирдек масъулмиз. Одам савдосидан мустақил фикри шаклланмаган ёшлар кўпроқ азият чеқмоқда. Шунинг учун бу масалада тегишли чора-тадбирлар қўриш, тақлифлар тайёрлаш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш, тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришимиз лозим.

Одам савдоси ва диний экстремизмга қарши кураш бўйича юртимизда кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда, — дейди Денов туман бандликка қўмаклашиш маркази юристи Умиджон Шукуров. — Аммо ҳар ким ўзининг ҳақ-ҳуқуқини тўла англаши, турли алдовларга учмаслиги, ҳар доим оғоҳ бўлиши лозим. Фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ушбу иллатга қарши курашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Феруза БОЛТАЕВА, ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши бўлим мудири.

Ижтимоий ҳимоянинг энг самарали йўли бандликни таъминлашдир.

Маънавий тарбия

Президентимизнинг «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги Қарориди таъкидланганидек, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга мансуб олижаноб фазилатларни, диний-маърифий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланди.

Бу ҳақда муқаддас динимизда нималар дейилган? Қандай гуноҳлардан тийилишимиз, қайси савоб амаллар учун шошилишимиз керак?

ЎЗГАЛАРДАН
АЙБ
ҚИДИРМАНГ

Ҳеч бир инсон хато ва камчиликдан холи эмас. Ўзи адашиб қилган гуноҳ ишларни сўзламаслик, ўзгалардан айб ахтармаслик, бировнинг айбига, хатосига ногоҳ кўзи тушиб қолганида, уни ёймаслик динимиз талабларидандир.

Мўминнинг айби, гуноҳини кўриб қолган киши уни яшириши мустаҳабдир. Хусусан, хунук ишлар обрўли, ёмонлиги кузатилмаган кишидан содир бўлса, уни оммага ошкор қилмаслик зарур. **Пайғамбаримиз саллаллаҳу алайҳи васаллам бундай деганлар:** «Ким мўминнинг айбини яширса, Аллоҳ қиёмат кунининг айбини яширади» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Яна бир ўринда: «Яхшиларнинг адашларидан кўз юмдиглар», дейдилар (Абу Довуд ривояти).

Бошқа бир ҳадисда эса: «Ким мусулмон биродарининг айбини яширса, Аллоҳ унинг айбини қиёмат кунини яширади. Ким мусулмон биродарининг айбини ошкор қилса, Аллоҳ унинг айбини ошкор қилади, ҳатто уни ўз уйида ҳам шарманда қилади», дейилади (Ибн Можа ривояти).

Чунки айбларни ошкор қилиш, бир мўминдан содир бўлган ишни сўзлаш ёмонликни ёйиш ҳисобланади. Уламолар: «Ишларнинг аёлоси айбларни яширишдир», дейишган.

Фузайл ибн Йёз айтади: «Мўмин яширади ва насихат қилади, фожир эса ошкор қилади ва айблайди».

Бироқ фиску фужур ишларни қилаётган кишини кўрганда, уни қайтариш вожиб саналади. Пайғамбаримиз саллаллаҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан бирингиз мункар ишни кўрса, уни қўли билан ўзгартирсин, агар унга қолар бўлмаса, тили билан, агар бунга ҳам қўчи етмаса, кўнгли билан ўзгартирсин. Бу эса имоннинг энг заифидир», деганлар (Муслим ривояти).

Ҳеч кимнинг бирор мусулмондан айб қидириши тўғри эмас. Аллоҳ таоло: «Ўзгалардан айб қидирманг» (Хужурот сураси, 12 оят), дейди. **Хато ёки гуноҳ қилган мўмин Аллоҳга тавба қилиши керак. Ким бўлишдан қатъи назар, айбини бировга очмасин. Чунки Аллоҳ таоло:** «Албатта, имон келтирган кишилар ўртасида бузқликлар ёйилишини истайдиган кимсалар учун дунёда ҳам, охиратда ҳам аламли азоб бордир. Аллоҳ билур, сизлар билмасиз» (Нур сураси, 19 оят), деб марҳамат қилади.

Исломи дини инсонларни фақат яхшиликка тарғиб этади. Бундай йўл динимизнинг нақадар инсонпарварлигига, Пайғамбаримиз саллаллаҳу алайҳи ва салламнинг оламларга раҳмат қилиб юборилганлигига далилдир.

Ҳабибуллоҳ АБДУРАЗЗОҚОВ, «Ҳазрати Имом» жомеъ масжиди имом-ноиб.

«ИСЛОМ БИРДАМЛИК ЎЙИНЛАРИ»ДА

Ўзбекистон спортчилари умумжамоа ҳисобида 4-ўринни эгаллади



Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида IV «Ислам бирдамлик ўйинлари» якунига етди. Унда 54 давлатдан 3000 дан зиёд спортчи голиблик учун курашди. Мазкур халқаро турнирда 103 нафар ҳамюртимиз спортнинг 15 тури бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишди.

Мусобақанинг саккиз кунидида натижаларга кўра, Ўзбекистон спортчилари умумий ҳисобда 57 медал тақдирланганини хабар қилган эдик. Халқаро турнирнинг 9 кунидида ҳам медаллар учун кураш давом этди. Дастлаб энгил атлетиканинг ядро улоқтириш баҳсларида иштирок этган Сергей Дементев бронза медалини кўлга киритди.

Шунингдек, энгил атлетика мусобақасининг паралимпиячилар ўртасида ўтказилган узунликка сакраш баҳсларида Дониёр Солиев 7 метру 12 сантиметр натижа билан олтин медалга сазовор бўлди. Бу терма жамоамизнинг мусобақадаги 15-олтин медали сифатида қайд этилди.

Учинчи кунга белгиланган мусобақалар дастурида Ўзбекистон терма жамоаси таркибидида фақат теннисчиларимиз медаллар учун баҳсларга киришди. 4 нафар теннисчимиз терма жамоамиз ҳисобига 2 кумуш медал келтирди.

Жуфтлик баҳсларининг финал учрашувида Сабина Шарипова ва Полина Меренкова жуфтлиги Аксу Айла ва Берфу Ченгиздан иборат туркиялик теннисчиларга 3:6, 5:7 ҳисобида ютказди. Натижада бу жуфтлик кумуш медал билан тақдирланди.

Амал Султонбеков ва Саидьяло Саидкаримовдан иборат эркалар жуфтлиги ҳам финалда Илхан Агабигун ва Алтук Челикбилекдан иборат туркиялик теннисчиларга 2:6, 2:6 ҳисобларида имкониятни бой бериб, кумуш медалини кўлга киритди.

«Ислам бирдамлик ўйинлари»нинг сўнгги кунидида теннисчимиз Сабина Шарипова бронза медали учун бўлиб ўтган ўйинда Уммон вакили Ал Набханига қарши

кортга чиқди ва 6:2, 6:2 ҳисобларида галаба қозонди.

Бу медал Ўзбекистон спорт делегацияси учун Бокудаги «Ислам бирдамлик ўйинлари»да сўнгги медал бўлди.

Шундай қилиб IV «Ислам бирдамлик ўйинлари» якунига кўра, спортчиларимиз умумий ҳисобда 63 медал (15 олтин, 17 кумуш ва 31 бронза) жамғаришга эришди. Ўзбекистон спортчилари умумжамоа ҳисобида 4-ўринни эгаллашди.

Кеча Тошкент халқаро аэропортида «Ислам бирдамлик ўйинлари»да иштирок этган спортчиларимизни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Мансур ЖАББОРОВ, юнон-рум кураши бўйича мураббий:

— Яқин дўстим Мўмин Абдуллаевни кутиб олгани чидик. У «Ислам бирдамлик ўйинлари»да юнон-рум кураши бўйича 130 килограмм вазн тоифасида иккинчи ўринни кўлга киритди. Ёшлигимиздан бира шуғулланиб, курашиб катта бўлганмиз. Баъзан у, баъзан мен голиб бўлардим. Мен мураббийлик йўлидан кетдим. У юнон-рум кураши билан шуғулланиб келмоқда. Турли нуфузли мусобақаларда, хусусан, Олимпиада ўйинларида иштирок этиб, юқори ўринларни кўлга киритмоқда. Бундан жуда ҳам хурсандман.

Бурхон АҲМЕДОВ, бокс бўйича мураббий:

— Шогирдим Бобо-Усмон Ботуров Бокудан биринчи ўрин билан қайтди. У 10 йилдан бери кўл остида шуғулланиб келади. Харакатлари, интилишлари яхши. Меҳнаткаш, ўз устида тинимсиз ишлайди. Бугунги

натижасига ҳам машаққатли меҳнат эвазига эришди. Катталар ўртасида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида уч мартаба учинчи ўринни олди. Лекин ортга чекинмай доим олға интилди. Натижада ўтган йили Ўзбекистон чемпионатида биринчи ўринни кўлга киритди. Янада кучли тайёргарликдан сўнг «Ислам бирдамлик ўйинлари»да чемпион бўлди. Бобо-Усмон чемпион бўлган деб ўз олдига катта мақсад қўйган эди. У ниятига етганидан хурсандман.

Гулчеҳра БОТИРОВА, ўқитувчи:

— Инсон фақат галаба сари интилиб, ортга чекинмаса, у албатта мақсадида эришар экан. Бунинг ўлими Бобо-Усмон мисолида кўрдим. У учинчи синфлигидан бошлаб спортнинг бокс турига қизиқиб, доимий равишда шуғулланиб келди. Мана, бугун у орсусига эришди. Отаси, амакилари, устозлари билан кутиб олгани чидик. Бундан кейин ҳам у нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилади, деган умиддаман.

Фарҳод ТўРАЕВ, дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббий:


— «Ислам бирдамлик ўйинлари» туртинчи бор ўтказилди. Ўзбекистон терма жамоаси ушбу мусобақада илк бор қатнашди. Унда Европадан Озарбайжон ва Туркия, Африкадан Жазоир, Марокко ва Тунис, Ўрта Осиёдан Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон каби дзюдо бўйича ўз қўлгаларида энг кучли ўнналикка кирувчи терма жамоаларнинг иштироки мусобақанинг юқори савияда ўтганини кўрсатиб беради. Ҳар бир давлат дунё рейтингига юқори ўринларда турадиган спортчилари билан қатнашди.

Мусобақада битта олтин ва бешта бронза медалини кўлга киритиш — яхши натижа. Чунки Рио олимпиадасидан кейин дзюдо бўйича янги терма жамоамиз шакллантирилди. Мазкур жамоа бундай нуфузли мусобақада илк бор иштирок этди. Хали олдимизда халқаро универсиада ўйинлари, жаҳон чемпионати турибди.

Дониёр СОЛИЕВ, узунликка сакраш бўйича олтин медал соҳиб:

— «Ислам бирдамлик ўйинлари» биз учун омадли келди. Мазкур мусобақада тўрт паралимпиячи энгил атлетика бўйича иштирок этиб, тўртталамиз ҳам медал олди. 2 олтин, бир кумуш ва бир бронза. Мен узунликка сакраш бўйича 7 метру 12 сантиметр натижани кўрсатиб, олтин медални кўлга киритдим. Риода бўлиб ўтган паралимпия ўйинларида бир сантиметр фарқ билан озарбайжонлик Камил Алиевага ютказган эдик. «Ислам бирдамлик ўйинлари»да уни 2 сантиметр фарқ билан ютишга муваффақ бўлдим.

Шаҳбоз САИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Фархад ТўРАЕВ олтин суратлар.

Миллий матбуот марказида

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ФОНДИ ТОМОНИДАН ЮЗ
МИНГГА ЯҚИН АҲОЛИ ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТКАЗИЛДИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

Бугунги кунда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий муҳофазалашда тиббий-ижтимоий патронаж хизмати муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, аҳоли ўртасида тиббий-ижтимоий патронаж тадбирларини замонавий андозалар асосида ташкил этишда фонднинг жойлардаги тиббий-ижтимоий бригадаларининг хизмати эътиборга лойиқдир. Замонавий амбуланс машиналар билан таъминланган мажбури бригадалар таркибидида терапевт, акушер-гинеколог, педиатр, ультратовуш таҳлил шифокори, тиббий-ижтимоий ходим, ҳамшира фаолият кўрсатаётганидан аҳоли мамнун бўлмоқда.

— Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида фонднинг кўма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 345 кишлоқ ҳамда 1076 маҳалласидаги 7226 оиланинг ижтимоий шароити, ундаги психологик муҳит ва болалар соғлиги ўрганилди ва юз мингга яқин аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси ўринбосари Нозим Мўминов. — Шундан, туғиш ёшидаги аёллар 36573, болалар 28285 нафарни ташкил этди. Йил бошидан буён 1838 мартаба «ОИТС», «Гипертония», «Соғлом турмуш тарзи», «Репродуктив саломатлик нима?» ва «Қизларни эрта турмушга бериш оқибатлари» мавзуларида дав-

ра суҳбатлари ўтказилди, бу тадбирларга 80 мингга яқин киши қамраб олинди.

Бундан ташқари, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси билан ҳамкорликда 2016 йилда ва 2017 йилнинг ўтган даврида юрак хасталигига чалинган саксон нафар бола соғломлаштирилди.

Тадбир сўнггида фонднинг давлат ва жамоат ташкилотлари, тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда амалга ошираётган тиббий-ижтимоий лойиҳалари, аҳоли ўртасида тиббий-ижтимоий патронаж ёрдамини ташкил этиш ишлари ва бошқа масалаларга оид саволларга жавоб қайтарилди.

Тоштемир Худойкулов, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Солиқ ислоҳоти

Мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналари илчил ривожланишида солиқ имтиёзлари муҳим ўрин тутди. Шунинг учун берилаётган солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Солиқ имтиёзлари
ва янги иш
ўринлари

Термиз шаҳридаги «Саиджон-Муҳаммадхон музқаймоқлари» масъулияти чекланган жамияти иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Корхонада 60 турдаги музқаймоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Эътиборли томони шундаки, бу ерда меҳнат қилаётган 115 нафар ишчи ходимнинг 93 нафарини коллеж битирувчилари ташкил этади.

Ўтган йили жамоа томонидан 8 миллиард сўмлик ёки 293 минг тоннадан ортиқ музқаймоқ маҳсулотлари тайёрланиб истеъмолчиларга етказилган. Корхона солиқ имтиёзлари натижасида 200 миллион сўм микдоридида маблағ тежаб қолишга эришди. Солиқдан тежалган маблағлар корхона моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги иш ўринлари яратишга йўналтирилди.

Маҳсулот турини кўпайтириш мақсадида яқинда Хитойдан келтирилган янги линия ишга туширилди. Эндиликда бу ерда бир кунда 30 тоннадан ортиқ сут маҳсулотлари қайта ишланиб, турли хилдаги музқаймоқлар тайёрланмоқда.

Илбос РАҲМАТОВ, Сурхондарё вилоят ДСБ ақборт хизмати бошлиғи.

ИП ООО «AMKODOR-TASHKENT»
официальный дистрибьютор в Республике Узбекистан

БЕЛОРУССКАЯ ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНАЯ, КОММУНАЛЬНАЯ, СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННАЯ И СПЕЦИАЛЬНАЯ ТЕХНИКА

сменных рабочих органов

➤ продажа
➤ гарантия
➤ сервис
➤ запчасти
➤ обучение персонала
➤ консультации специалистов

17 Многофункциональные погрузчики с бортовым поворотом

20 Экскаваторы-погрузчики (6 модификаций)

23 Погрузчики фронтальные и универсальные грузоподъемностью от 2 до 7 тонн

Автогрейдеры
Экскаваторы гусеничные и колесные
Автопогрузчики вилочные (3 и 5 тонн)
Коммунально-уборочные машины
Катки вибрационные
Машини фрээрные
Погрузчики с телескопической стрелой
Электрпогрузчики вилочные (1,2; 1,6; 2,5 тонны)
Электротележки (2, 3-тонные)

Товар сертифицирован.
Услуги лицензированы

Узбекистон, г. Ташкент, ул. 8 Марта, 57.
Телефоны: (+998 94) 669-29-71, (+998 71) 283-42-18 (факс), 283-42-17.
E-mail: ajle@mail.ru, amkodortashkent@mail.ru Web-site: amkodor.uz

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 538

14582

nuxxada

bosildi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 22:51

Topshirilgan vaqti — 00:50

Navbatchi:

Toshtemir XUDOYQULOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

4720107433004

1 2 3 4 5 6



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI